

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАР ПОРТФЕЛЛАРИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШ БҮЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://zenodo.org/records/11521796>

**Жамол Мажидов**

Тошкент давлат иқтисоддиёт университетининг  
мустақил изланувчиси, *PhD*

## **Аннотация**

Илгор хориж тажрибаси кўрсатадики, биринчидан, тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорининг профессионал шитирокчиси ҳисобланади; иккинчидан, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди. Шу сабабли, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириши уларнинг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашининг зарурӣ шарти ҳисобланади.

**Калим сўзлар:** тижорат банки, актив, портфель, стратегия, қимматли қоғоз, мажбурият, инфляция, девальвация, фоиз ставкаси.

Тараққий этган мамлакатларда ва бир қатор ривожланаётган мамлакатларда тижорат банклари активлар портфелларини сифатини ошириш борасида катта тажриба тўпланган. Хусусан, банкларнинг кредит портфели сифатини таъминлаш йўли билан даромадларнинг барқарорлигини таъминлаш ва ликвидлиликнинг меъёрий даражаларига эришиш имконияти юзага келган. Шунингдек, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфели банклар активларининг даромадлилигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Тараққий этган мамлакатларда кредитлар ва қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида жуда юқори салмоқни эгаллайди.

Биз қўйида Буюк Британиянинг энг йирик тижорат банкларидан бири бўлган Барклайс банк активларининг таркибини кўриб чиқамиз.

## 1-жадвал

### Барклайс банк (Буюк Британия) активларининг таркиби<sup>1</sup>, фоизда

Активлар таркиби	Йиллар				
	2018	2019	2020	2021	2022
Нақд пуллар ва Марказий банкдаги пул маблағлари	2,9	4,4	8,4	15,1	15,6
Бошқа банклардаги пул маблағлари	0,1	0,1	7,4	6,8	6,8
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	51,1	53,4	47,8	47,3	42,1
Берилган кредитлар	34,6	39,3	28,4	28,6	28,8
Асосий воситалар ва номоддий активлар	0,8	1,1	0,9	0,9	0,9
Бошқа активлар	10,9	1,7	7,1	1,3	5,8
Активлар -жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Барклайс банк активларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва кредитлар асосий салмоқни эгаллайди. Ушбу икки активнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 70,9 фоизни ташкил этди.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2019 йилларда Барклайс банк активларининг умумий ҳажмида нақд пуллар ва Марказий банкдаги пул маблағлари кичик салмоқни эгаллаган. Бу эса, нақд пулларни ва банкнинг Англия Марказий банкидаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақамидаги пул маблағларини даромад келтирмайдиган активлар эканлиги билан изоҳланади.

<sup>1</sup> Жадвал Barclays PLS. Annual Reports ([www.barclays.com](http://www.barclays.com)) маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Мазкур активларнинг Барклайс банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг 2020-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги банкнинг Марказий банкка қўйган депозитлари миқдорининг ошганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Барклайс банк активларининг умумий ҳажмида бошқа банклардаги маблағлар салмоғи 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, Барклайс банк томонидан мазкур даврда хорижий банкларга жойлаштирилган депозитлар миқдорининг ошиб борганлиги билан изоҳланади. Аммо, 2018 ва 2019 йилларда мазкур активларнинг Барклайс банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғи жуда паст бўлган.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2019-2022 йилларда қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг Барклайс банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Ушбу тенденциянинг юзага келиши мазкур даврда Марказий банкдаги пул маблағлари ва кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг ўсиб борганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2022 йилларда Барклайс банк активларининг умумий ҳажмида асосий воситалар ва номоддий активлар салмоғи жуда кичик бўлган. Бу эса, мазкур активларни даромад келтирмайдиган активлар эканлиги билан изоҳланади.

Шуниси характерлики, кредитлаш ва қимматли қоғозларга инвестиция қилиш амалиёти Барклайс банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бунинг сабаби шундаки, Барклайс банк даромадларининг асосий қисмини кредитлар ва қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан олинадиган фоизли даромадлар ташкил этади. Бу эса, кредитлар бериш ва қимматли қоғозларга инвестиция қилишнинг Барклайс банк фаолиятининг устувор йўналишлари эканлиги билан изоҳланади.

## 2-жадвал

**Барклайс банк (Буюк Британия) активлари ва улар бўйича  
яратилган захиралар миқдори ва даражаси<sup>2</sup>**

Активлар таркиби	Йиллар				
	2018	2019	2020	2021	2022
Активлар, млн. фунт стерлинг		1 120	1 213	1 133	1 133
	1 357 906	012	126	248	283
Активлар бўйича захира ажратмалари миқдори, млн. фунт стерлинг	2 360	4 009	3 736	3 543	3 679
Захира ажратмаларининг жами активларга нисбатан салмоғи, %	0,2	0,4	0,3	0,3	0,3

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2019 йилда Барклайс банкнинг активлари 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Мазкур камайиш қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар миқдорининг камайиши ҳисобига юз берган. Аммо, активлар миқдори 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларсиз даражада ошган.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, активлар бўйича захиралар миқдори 2019 йилда 2018 йилга нисбатан, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан ошган. Бу эса, мазкур даврда таснифланган кредитлар таркибини ёмонлашганлигидан далолат беради.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида активлар бўйича захира ажратмалари даражаси 0,4 фоиздан ошмаган. Бу эса, нисбатан паст даражага ҳисобланади.

<sup>2</sup> Жадвал Barclays PLS. Annual Reports ([www.barclays.com](http://www.barclays.com)) маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Тижорат банклари активлари сифатининг ёмонлашиши улардан кўриладиган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ошишига олиб келади. Бу эса, банкларнинг молиявий барқарорлик даражасини пасайишига олиб келади. Чунки, захира ажратмалари фойда ҳисобидан шакллантирилади.

